



МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СИФАТНИ БОШҚАРИШ МЕХНИЗМИ

Бадалов Номоз Жўрабоевич¹, Бадалов Уткирбек

Номозович²

¹Жиззах политехника институти, катта ўқитувчис, ²Жиззах политехника институти, Магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5710345>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05- Noyabr 2021

Ma'qullandi: 10- Noyabr 2021

Chop etildi: 15- Noyabr 2021

KALIT SO'ZLAR

маҳсулот, стандарт, метрология, ресурслар, сертификат, ўлчаш, сифат, менежменти, сифат тизими, асбоб-ускуналар

ANNOTATSIYA

Маҳсулот сифатини бошқариш механизми маҳсулот сифатини таъминлаш ва яхшилаш бўйича ишларни ташкиллаштиришга бошқарувнинг умумий назарияларини қўллаш тўғрисидаги хулосаларни инобатга олиш. Маҳсулот сифатини бошқаришда маҳсулот сифатига таъсир қилувчи шароитлар ва омиллар таъсири мақсадига қаратилган ва тизимли сифат назорати йўли билан амалга ошириладиган, маҳсулотни ишлаб чиқариш сифатини рақобабардошлигини оширишдан иборат.

Маҳсулот сифатини доимий яхшилаш ва бу яхшилашни кичик корхоналар, йирик компаниялар, тармоқларда, худудларда ва ниҳоят иқтисодиётнинг кенг соҳаларида юқори суратда бўлишини таъминлаш бўйича ишларни яхши ташкиллаштириш учун сифатни яшилаш бўйича ишларни ташкиллаштиришнинг лаёқатли схемасини қуриш асосидаги асосий ғоя мавжуд бўлиши ишлаб чиқаришда жуда мухим хисобланади.

Маҳсулот сифатини бошқариш механизми маҳсулот сифатини таъминлаш ва яхшилаш бўйича ишларни ташкиллаштиришга бошқарувнинг умумий назарияларини қўллаш тўғрисидаги хулосаларни

инобатга олиш зарур. Сифатни бошқариш механизмининг принципал схемасини ва бу схемани қандай шаклда амалга ошириш, сифатни таъминлаш ва оширишга таъсир қилувчи барча кучларни гуруҳлаш имконияти мавжудлигини, сифатни бошқариш механизмига таъсирларни бундай махсус гуруҳларнинг таркибга киритишлиги, корхона раҳбариятининг сифатни бошқаришда ёки ишлаб чиқаришни қуйи даражасида таклиф этилаётган сифатни бошқариш механизми схемасига ҳуқуқ ва имтиёзларининг мавжудлиги жуда мухим. Бошқарувнинг турли даражаларида, маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари, турли хил ишлаб




чиқаришнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб амалиётда ҳақиқатдаги чора-тадбирларни танлаши ва у асосида шу вақтнинг ўзида умумий шаклда жараёнларни ва уларнинг моҳиятини ифодалаши лозим.

Бошқарув механизмининг умумий назариясига биноан умум қабул қилинган бошқарув механизми, яъни Бошқариш ва солиштириш блоки, Объект ҳолатининг параметрлари ва дастурлари, Бошқарув объекти, Объект параметрларининг ҳақиқий қиймати тўғрисида ахборотлар бир бирига узвий боғланиши муҳим ҳисобланади. Сифат бўйича ишларни ташкиллаштиришга бошқариш умумий назариясининг асосий тамойиллари имконияти даражасида бирламчи шартларини

кўриб чиқади. Маҳсулот сифати параметрлари ишчи чизмалар, техникавий ҳужжатларда, шартнома мажбуриятларида, корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, лойиҳа конструкторлик режалар, дастурларнинг таркибий қисмида кўрсаткичларнинг аниқ ва етарли қийматлари ўрнатилади. Сифатга талаб кўрсатилаётган ҳизматларнинг тавсифи баёнида, сифат назорати карталари, технологик карта ва технологик регламентларда, маҳсулотни лойиҳалаш ёки модернизациялашга техник топшириқларида, маҳсулотга техник регламентлар ва халқаро стандартлар талаблари фойданилади.

БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ СХЕМАСИ



Маҳсулот сифатини бошқаришнинг принципаал схемасини ишлаб чиқишда сифатга таъсир этувчилар булардан станоклар, машиналар, бошқа ишлаб чиқариш қурилмалари, меҳнат воситалари, ишчиларнинг самарали ва сифатли ишлашига имкониятлари, ишчиларнинг психофизиологик соғлиғининг ҳолати, кўникмалари,

билими, касбий маҳорати, хом-ашё, материаллар, меҳнат предметалардан иборат.

Сифатни таъминлаш шароитларини қамраб олувчи омиллар келтирилган улардан ишлаб чиқариш жараёнларининг тавсифи, унинг тезлиги, даврийлиги, давомийлиги, ишлаб чиқариш биноларидаги ҳарорат,



намлик ва атроф-муҳитнинг бошқа параметрлари, ишлаб чиқариш интервали ва дизайни, қўлланиладиган моддий ва маънавий рағбатлантиришларнинг тавсифи, ишлаб чиқариш жамоасидаги маънавий-психологик муҳити, ахборот хизматларини ташкиллаштириш шакли ва ишчи ўринларни таъминланиш даражаси, ишчиларнинг ижтимоий ва моддий ҳаёт тарзидан иборат бўлади.

Сифатга таъсир этувчи турли хил таъсирларни бирламчи синфланиши ўзида омиллар ва шароитларга бўлинишини намоён этади ва шунинг учун сифатни бошқаришни ташкиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Сифатга таъсирларнинг биринчи синфлаш воситаси келгусида маҳсулот, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг ўзига хослиги ҳисобига олинади. Бундай синфлаш ва бундай ёндашиш нафақат сифат бўйича ишларни ташкиллаштиришни янада аниқлигини таъминлаб, керакли сифатни таъминлаш бўйича мақсадли ва самарали чора-тадбирларни аниқлайди ва сифатни берилган параметрларидан оғишларини келтириб чиқариш сабабларини аниқлаш ҳамда бу сабабларни “жойини” бартараф этиш бўйича тадбирларни қабул қилишга ёрдам кўрсатади. Сифатни бошқаришнинг принципал схемаси бўйича барча ходимлар ишлашади, яъни ишчилар, усталар, техник назорат бўлим назоратчилар ҳам доимий ишлашади. Улар учун сифат бўйича режа чизмаларда, назорат ва технологик операцион карталарида келтирилган. Сифатни бошқариш блокларининг субъектлари ҳисобланиб ва бевосита техникавий хужжатларда белгиланган

сифат параметрларини ҳақиқатдаги қиймати билан солиштириб борилади. Сифатни бошқариш механизми ишчиларнинг қўлида бўлиб, унинг иш жойига ва ҳақиқатдан ҳам бу ишчининг касбий билими ва тажрибасига боғлиқ бўлади. Ишчиларнинг ўзига қўйиб берилган яъни уларни меҳнат қилишига ундайди. Сифатини бошқариш механизмнинг ушбу принципал схемасида корхонанинг кенг миқёсида сифатни бошқариш зарур. Сифатни бошқариш механизмнинг приципал схемаси агар бошқарув тизимида сифат бўйича режа аниқ ифодалаган ва тушунарли шаклланган бўлса, бундай ҳолатлардагина фаолиятини амалга ошириши муҳим ҳисобланади. Моҳияти бўйича белгиланган доирада бошқариш тўғрисида ўрнатилган сифат даражасини таъминлаш бўйича жараёнларни бошқаришни унутмаслик лозим. Сифат параметри, сифат бўйича режани яна шакллантириш лозим бўлса, янги сифатга кўрсатмалар шаклидаги топшириқни берилиши ва бозордаги фаразларнинг ўзгаришини, янги эҳтиёжларни ҳисобга олиб ўзгартириш киритиш лозим бўлади.

Сифатни бошқариш учун шарт-шароитлар, яъни бошқарилаётган объект ҳолатининг режалаштирилган даражасида белгиланган дастурларининг мавжудлиги, берилган параметрлар ва дастурларга муносабати бўйича объектнинг ўзгарувчанлиги яъни объект ўрнатилган дастурлар ёки параметрларнинг режали қийматлардан четга чиқмаслиги лозимлиги, белгиланган дастурлар ёки параметрлар қийматларидан объектни аниқлаш ва ўлчаш учун восита ва усулларнинг мавжудлиги, оғишларни юзага



келишини бартараф қилиш мақсадида бошқариладиган объектга таъсирларнинг мавжудлиги жуда муҳим ҳисобланади.

Бу йўналишларни мутахассислар сифатни бошқариш учун асосий шарт-шароитлар сифатида, яъни юқори раҳбариятнинг қизиқиши, сифатни яхшилаш бўйича раҳбарий кенгашни яратиши, корxonанинг барча раҳбарий таркибини жалб этиши, ишчи ва хизматчиларнинг жамоалик иштирокини таъминланиши, сифатни оширишда ишчиларнинг шахсий иштирокини таъминлаш, тизим ва жараёнларни такомиллаштириш гуруҳини яратиш, сифат учун курашишга таъминотчиларни жалб қилиш, бошқарув тизимининг ишчи ҳолатининг сифатини таъминлаш, корхона фаолиятини яхшилаш стратегияси ва тактикасини шакллантириш ва хизматларни тан олиш ва кенгайтириш тизимини яратишдан иборат бўлади.

Сифатни яхшилаш бўйича бу йўналишдаги фаолиятлар ҳар бир корxonанинг асосий фаолиятини таркибий қисми бўлиши лозим. Корxonани бошқариш тизимини сифатни бошқариш тизимига яқинлашишининг замонавий истиқболларини ҳисобга олиб, юқорида келтирилган йўналишлар ташкилий-иқтисодий, ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳаллий корxonалар фаолиятини такомиллаштиришнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Фан ва техниканинг ривожланиши натижасида сифат босқичининг моҳияти ортиб борди, чунки баъзи бир ҳолларда сифатнинг

бузилиши нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонага, балки аҳолига ҳам зиён келтириши мумкин бўлиб қолди. Саноат корxonаларнинг пайдо бўлиши натижасида, техник мутахассисларни шакилланишига, бу эса техникага оид қийинчиликларни ҳал қилишига сабаб бўлсада, лекин сифатни бошқариш соҳасидаги турли хил қийинчиликларни бартараф этиш имконияти бўлмади. Шу пайтларда бутун корхона миқёсида режалаштириш ва назорат қилиш ишларининг ягона тизимини яратиш ўрнига, ҳар бир бўлим ўз манфаатини кўзлаган ҳолларда иш қилар ва ўз назоратларини жорий этардилар. Натижада, турли бўлинмалар ўртасидаги мувофиқлашув бузилиб, мунтазам ўзаро эътирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда сифатни бошқариш механизмида сифатни бошқариш босқичлари таркиби, Сифат биринчи босқичда шу даражада маҳсулот ёки хизматлари корxonанинг ички техник шартларнинг талабларига мувофиқ бўлади. Сифатнинг бу жиҳати сифатнинг техник талабларга мувофиқлиги деб аталади. Иккинчи босқичда конструкция сифати баҳоланади. Сифат маҳсулотнинг конструкцияси бўйича корxonанинг техник талабларига жавоб бериши мумкин, бироқ конструкциянинг ўзи юқори ёки паст сифатда бўлиши мумкин. Сифатнинг учинчи босқичида шу даража, яъни корxonанинг ишлари ёки хизмат (маҳсулот) вазифалари мавжуд истеъмолчилар эҳтиёжларини қаноатлантиради. Кўплаб корxonаларнинг ташкиллаштириш асоси бўлиб, қурилмаларни таъмирлаш ва эксплуатация қилиш, харид қилишда,



максимал фойдали шартлар учун яратилаётган ва яқуний фойдаланиланишга мўлжаллаб иш юритиш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтилганда Сифатни бошқариш деганда оптимал сифатли маҳсулотни яратиш ва ундан тўлиқ фойланишни таъминловчи барча даражадаги омиллар ва шароитлар таъсирида доимий, режали, мақсадларга йўналтирилган жараёнлар тушунилади. Маҳсулот сифатини бошқариш тизими ўзида бошқарув объектлари ва бошқарув органлари, маҳсулот сифатини юқори даражада бўлишини ўрнатиш, таъминлашга ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чоратадбирлар, усуллар ва воситалар мажмуасини намоён этади.

Бошқарув мақсади – истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий қизиқишларини ҳисобга олиб маҳсулот сифати даражаси ва ҳолатини, ҳамда маҳсулотнинг маҳсулотнинг экологик ва хавсизлик талабларидир. Сўз сифатнинг қандай даражаси ва хоссаларининг мажмуи берилиши, кейин эса бунга ушбу мажмуа ва ушбу даражага эҳтиёжлар тавсифи мувофиқ келишига эришиш ва таъминлаш ҳақида бормоқда. Бунда истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги масалари юзага келади, яъни истеъмолчилар учун қулай нарх ва таннархи даражаси ҳамда ишлаб чиқарувчи ва тайёрловчилар учун маҳсулотдан фойда олиб келиши масалларини кўриб чиқиш лозим.

Шунингдек, маҳсулотни ишлаб чиқариш муддатини қисқартириш ёки тезлаштириш, истеъмолчигача етказиш ва уни ишлаб чиқариш сурати кўринишида ўйламаслик лозим, бу эса рақобатбардошлик билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Маҳсулот сифатини бошқаришда маҳсулот сифатига таъсир қилувчи шароитлар ва омиллар таъсири мақсадига қаратилган ва тизимли сифат назорати йўли билан амалга ошириладиган, маҳсулот, уни ишлаб чиқиш ва эксплуатация ёки истеъмол сифатини керакли даражадалиги таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўрнатишдан иборат. Маҳсулотнинг техник даражасини баҳоланадиган маҳсулотнинг техник такомиллашганлигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг қийматларини мос кўрсаткичларнинг асос қийматлари билан таққослашга асосланган, маҳсулот сифатининг нисбий тафсилотидир. Маҳсулот сифати кўрсаткичи маҳсулот сифатига кирувчи битта ёки бир неча хоссасининг миқдорий тавсифи, унинг яратилиш ва ишлатилиши ёки истеъмолидаги муайян шароитларга қўлланилишини қурилишига айтилади. Маҳсулот, ҳам муайян эҳтиёжга мос келиш даражаси бўйича, ҳам шу эҳтиёжни қаноатлантиришдаги ҳаражатлар бўйича рақобатланувчи маҳсулотлардан унинг ажралиб туришини ифодаловчи маҳсулотнинг тавсифи унинг рақобатбардошлиги ҳисобланади.



FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Juraboevich B. N. Products in Manufacturing Enterprises the Essence of Quality Management //International Journal of Development and Public Policy. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 117-118.
2. Абдувалиев А.А. и др. «Основы стандартизации, сертификации, метрологии и управления качеством продукции». Учебное пособие. - Ташкент: Издательство ТГТУ, 2002. - 287 с.
3. Круглов, М.Г. Менеджмент качества как он есть / М.Г. Круглов, Г.М. Шишков. - М.: Эксмо, 2007. - 544 с;